

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2023 йил 7 апрель, № 69 (8412)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 апрель куни табиатни муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларга мувофиқ, Табиат ресурслари вазирлиги ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда бу соҳада долзарб вазифалар жуда кўп.

Табиий муҳитни асраб-авайлаган ҳолда, қўриқхона ва питомникларда экотуризмни, ов ҳўжаликларида овчилик туризмни ривожлантириш мўмкин. Шу боис табиат масканларига сайёҳларни жалб қилиш, ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш учун питомниклар ташкил этиш вазифаси кўйилди.

Президент сув, ҳаво, ер ва ер ости бойлиқларини муҳофаза қилиш масаласида алоҳида эътибор қаратди.

Хусусан, 500 дан зиёд қорхоналарда сув тозалаш иншооти стандартга жавоб бермайди, базилларда умуман йўқ. Компенсация миқдори камлиги сабабли, бундай технология ўрнатилган қўра, компенсация тўлаш фойдали бўлиб қолган. Шу боис меъёрдан ортиқча оқова учун компенсация тўловини

ошириш таклифи билдирилди. Давлатимиз раҳбари экологик назорат инспекцияси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича топширик берди.

Жўмладан, юртимизда йилга 7 миллион тонна маиший чиқинди ҳосил бўляпти. Шундан фақат 2 миллион тоннадан зиёда қайта ишланади. Қолган чиқиндилардан пайдо бўлаётган "иссиқхона газини" ва сизот сувлар табиатга зарар етказяпти.

Оҳангарондаги эски полигонда чиқиндидан 15 мегаватт электр энергияси олиш лойиҳаси бошланган. Давлатимиз раҳбари бу тажрибани кенгайтириб, бошқа полигонларда ҳам чиқиндини қайта ишлаш ва муқобил энергия олишни йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади.

Ўрмон ҳўжалигида дарахт билан қопланган ҳўдуудлар атиги 8 физик экани, албатта, етарли эмас. Кўчатчиликни ривожлантириб, чўлларда 221 минг гектар, тоғ ҳўдуудда 15 минг гектар ўрмонлар барпо қилишга имконият берилиши қайд этилди.

Бунда ўрмончилик соҳасини ривожлантириш ҳамда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда тўдан янги тизимни жорий этишга кўрсатма берилди. Жўмладан, боғ ва ўрмонларни барпо қилиш марказий молиялаштириладиган манзилли дастур асосида амалга оширилиши қатъий белгиланди.

Гидрометеорология йўналишида автоматлашган метеорологик станцияларни кўпайтириш, гидрологик ўлчов ускуналарини автоматлаштириш, агрометеорологик хизмат бўйича мобил иловани ишга тушириш чоралари белгиланди.

Бундан ташқари, ҳар бир туман ва шаҳарда атмосфера ҳавоси ифлосланишини мониторинг қилиш учун автоматлашган кичик станциялар ўрнатилди. Шўнга асосан, ҳўдуудларнинг ҳаво тозаллиги рейтингини шакллантирилиб, мансабдор шахслар ишига баҳо бериб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2023 йил 6 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз тўққизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.

Унда Сенат, ҳўкумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳўзуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг "YouTube" тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

Ялпи мажлис кун тартибига мувофиқ сенаторлар дастлаб "Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунга қадар давлат ҳисобидан юридик ёрдам фақат жиноят ишларини юритишда кўрсатилиб, маъмурий ва фуқаролик ишларида назарда тутилмаган ҳамда юридик ёрдам кўрсатилган адвокатларни жалб қилишнинг шаффоф механизми жорий этилмаган.

Қолаверса, ушбу соҳани мувофиқлаштирувчи ягона органнинг белгиланмаганлиги кам таъминланган фуқароларнинг Конституцияда қаролатилган малакали юридик ёрдамдан тўлиқ фойдалана олмаслиги, коррупциявий омиллар пайдо



бўлишига олиб келиши билан бир қаторда, бюджет маблағларининг сарфланиши устидан самарали назорат ўрнатилишига ҳам тўққизинчи қўрада эътибор қаратилди.

Муҳокама этилаётган қонун билан юқорида қайд қилинган муаммолар ўз ечимини топиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, қонун билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг асосий тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳўқуқлари кафолатлари белгиланмоқда.

Давлат ҳисобидан юридик ёрдам оловчи шахсларнинг доираси ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бегул юридик ёрдам олиш имкониятлари кенгайтирилмоқда.

ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВА СПОРТ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар сиёсати ва спортни ривожлантириш бўйича таклифлар тақдимоти билан танишди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотларга мувофиқ, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги тузилган эди. Тақдимотда бу соҳаларда давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш ва уларни ривожлантиришга доир чора-тадбирлар белгиланди.

Янги тизимга кўра, ёшлар ўртасида фестивал, форум, танлов ва бошқа маданий-маърифий тадбирларни ягона йиллик календарь режа асосида ўтказиш жорий қилинади ва бу бўйича маълумотлар yoshlarportali.uz ягона электрон платформасига жойлаштириб борилади. "Ёшлар дафтари" орқали тақдим этиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турлари 2023-2024 йилларда 1,5 баробарга оширилади.

Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги таркибидagi 3 та давлат унитар қорхонаси фаолияти мақбуллаштирилиб, уларнинг функцияси хўсусий секторга ўтказилади.

Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида соҳадаги 24 та йўналишни қамраб олган "ERP Sport" ягона

электрон бошқарув тизими ишга туширилади.

Соҳани рақамлаштириш ва спорт туризмни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Хўсусан, келгуси йилдан бошлаб мусобақаларда қатнашадиган спортчиларнинг шахси ва малакасини идентификация карталари орқали аниқлаш тартиби жорий қилинади. Спортга ҳўмийлик кўрсатган жисмоний шахсларга чет эллардаги турнирларда иштирок этиш имконияти берилади. Бунинг учун улар ўртасида лотерея ўйинлари ўтказилади.

Соҳа вакилларини қўшимча рағбатлантириш мақсадида Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигининг стипендияси жорий этилмоқда. Шўнингдек, спортчиларга ҳўқуқий, тиббий хизматлар кўрсатиш тадбирлари ҳам назарда тутилмоқда.

Юртимизда футбол энг оммавий спорт тури. Шу боис бу йўналишни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. ФИФАнинг махсус дастури асосида боғча ва маҳалларда "Оммавий футбол", ўрта таълимда "Мактаблар-

да футбол" ҳамда олий ўқув юрларида "Талабалар лигаси" дастурларини жорий қилиш таклифи билдирилди.

Иқтидорли футболчиларни танлаш ва тайёрлашнинг узвийлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳўзурида 14 та футбол мактаби, "Дўстлик" стадиони негизда барча ёш тоифалари учун Терма жамоалар маркази ташкил этилади. Футбол бўйича мутахассисларни тайёрлаш маркази фаолияти такомиллаштирилиб, Хорватия, Япония ва бошқа давлатлардан мутахассислар жалб қилинади.

Соҳа инфратузилмасини ривожлантириш учун Ўзбекистон футболни кўллаб-қувватлаш жамғармаси тузилди. Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳўкимлари ҳўдудий футбол ассоциацияларининг раҳбарлари этиб белгиланди.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни кўллаб-қувватлаб, уларни самарали амалга ошириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Кўз ўнгимиздаги ўзгаришлар

Сирдарё вилояти:

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ЧОРРАҲАСИДАГИ МУАЗЗАМ МАНЗИЛ

Азалдан халқаро йўллар чорраҳаси бўлиб келган Сирдарё вилояти ҳўдуди бугун кенг имкониятлар майдонига айланган. Бунга айна чоғда Эски Ховостепа, Ёғочли Сардоба ва бошқа узоқ мазийдан дарак берувчи, Буюк Ипак йўли бекатлари бўлган тарихий манзиллар бугунги кунда гуллаб-яшнаётгани гувоҳлик бериб турибди.



Бинобарин, пойтахтга яқин ва қўлай транспорт коммуникациялари мавжудлиги кўп йиллар аграр соҳа устувор

бўлиб келган вилоятни қисқа мўддатда индустриал ҳўдўга айлантирди. Эътироф этиш керакки, ушбу имкони-

ятдан кенг кўламда фойдаланиш ва уни инвесторлар учун жозибадор жиҳатга айлантириш ҳаракати кейинги 5-6 йилда сезиларли даражада фаоллашди.

Танти, бағрикенг сирдарёликлар юртимизда кечяётган ҳаётбахш ўзгаришларга ҳам оҳанг тарзда кенг кўламда яратувчилик ишларини амалга оширишмоқда. 4-саҳифада фидойилиги ва ташаббускорлиги билан элда ном қозонган кишиларнинг янгилашилган муносабатлари билан танишасиз.

9 апрель — Амир Тему́р таваллуд топган кун

СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАРБИЙ САНЪАТИ

Инсоният тарихида шундай даврлар борки, унда турли миллатлар ўз йўлбошчилари етакчилигида, тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мўмкин бўлган натижаларга эришган. Айнан ана шу давр инсоният тарихига буюк кишиларнинг ўчмас номини битади, жаҳон маданиятини бойитади, умумбашарий тараққиётга катта ҳисса бўлиб қўшилиди.

Амир Тему́р ва темурийлар даври халқимизнинг миллий даҳоси энг юксак чўққига кўтарилган, озодликка эришиш йўлида амалга оширилган буюк эвриликлар амалдаги давлат тузиш, миллий давлатчиликни тиклаш ва барқарор қилиш, мустақил яшаш озуқларининг рўёбга чиққан давридир. Амир Тему́р фалсафасида ҳам ана шу жиҳатлар кўзга яққол ташланади ва бу мерос бугунги миллий онг ҳамда истиқлол мафўрасининг фалсафий негизлари орасида алоҳида ўрин тутди.

Шу боис "Соҳибқирон Амир Тему́р ҳарбий санъати" асарини кенг китобхоналар оммаси жуда илиқ кўтиб олди. Мазкур илмий-оммабоп китобда жонажон Ватанимиз тарихининг ёрқин саҳифалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа

вазирлиги Куролли Кўчлар Академияси ходимлари — фалсафа фанлари доктори, профессор, полковник Р. Самаров, социология фанлари номзоди, захирадаги шарқшунослик университети доценти, фалсафа фанлари доктори Ж. Холмуминов, Жамоат ҳавфсизлиги университети ходими, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), капитан С. Садриддинов ҳаммуаллифлигида тайёрланган ушбу китобда Соҳибқирон бобомизнинг жаҳоншумул обрў-эътибори ва шон-шўхрат қозонишида бош омил ҳисобланган жиҳат — саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, жаҳон ҳарбий санъати ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида сўз юритилади.

Амир Тему́р тарихда қудратли давлат барпо этган буюк саркарда сифатидагина



эмас, балки Мовароуннаҳр пойтахти бўлмиш Самарқандни Ер юзининг чинакам маданий ва илмий марказларидан бирига айлантирган давлат арбоби сифатида из қолдирди.

Депутатлар — ҳудудларда

КОНСТИТУЦИЯ ҲАР БИР ИНСОН МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Шу кунларда республикамизнинг барча ҳўдудида янгилаётган Конституция мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тарғибот тадбирлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур тадбирларда Бош қомусимизга киритилаётган ўзгаришлар ҳақида кенг жамоатчиликка батафсил маълумотлар берилмоқда.

Хўсусан, Олий Мажлис Қўнучилик палатаси депутатлари, Табиат ресурслари вазирлиги Наманган вилояти таълим ва маданият бўлими раҳбари Ш. Саидов ва бошқа депутатлар ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Унда Олий Мажлис Қўнучилик палатаси Спикери ўринбосари Хайрулло Фафоров Бош қомусимизга киритилган ўзгаришлар ҳақида тўхталар экан, унда аҳоли барча қатламнинг манфаатлари ақс этирилиши, тақлиф ва тавсиялари инobatга олинганини қайд этди.

Таъкидланганидек, Конс-

титудия лойиҳасида бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири — экология масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Хўсусан, Асосий Қўнунимизда давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга оширади, фуқароларнинг экологик ҳўқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарозолик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини олиб бориш учун шарт-шароитлар яратди, деган норма мўс-тақамланмоқда.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимиз муҳим сиёсий воқеа — референдум арасида турибди. Унда биз янгилаётган Конституциямиз учун овоз берамиз.

Мушоҳада

Янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасида янгиликлар жўда кўп бўлиб, уларнинг барчаси хўсусида биргина мақолада батафсил тўхталиш имконсиз. Шу боис ундаги баъзи бир жиҳатларга кенгроқ тўхталмоқчимиз. Аниқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳўкимият тизими ва миллий парламентни ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини такомиллаштиришга йўналтирилган нормалар мазмун-моҳиятига урғу бермоқчимиз.

Аввало, ҳозирга қадар Олий Мажлис Қўнучилик палатаси ва Сенати ваколати тақсимида номуносиблик борлигини таъкидлаш зарур. Жаҳон тажрибасида эса икки палата ваколатлари доирасида деярли бир хил. Бизда Сенатнинг мутлақ ваколати 14 та, Қўнучилик палатасиники эса 5 та бўлиб, бу ҳаётда муайян қийинчиликларни келтириб чиқараётгани, десак, айна ҳақиқат.

Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Конституция:

ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Тошкентда ана шу мавзуда халқаро конференция ташкил этилди. Барқарор ривожланиш маркази томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уюштирилган ушбу тадбир Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) маконини конституциявий ривожлантиришнинг умумий қонунчилигини, шўнингдек, ШҲТ мамлакатларининг конституциявий ислохотларни амалга оширишда БМТнинг глобал Барқарор ривожланиш мақсадларини ҳисобга олиш соҳасидаги тажрибасини аниқлашга бағишланди.

Конференция

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз тарихида ноёб тажриба ва муҳим сиёсий жараён — Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси ўтказилиб, уни референдум орқали тасдиқлаш учун изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётди.

Мазкур жараёнларда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ҳўқуқшунос олимлар, академик ҳамжамият, таҳлилий марказлар фаол иштирок этишяпти.



ПАРЛАМЕНТАРИЗМ РИВОЖИДА МУҲИМ ҚАДАМ

Янгиланаётган Конституцияда ана шу хато тузилмоқда. Қонунчилик палатасининг мулқат вақолатлари 12 та қилиб белгиланмоқда.

- Унга кўра:
 - Давлат бюджетни ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
 - Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
 - Бош вазир номзодини кўриб чиқиш;
 - Бош вазирнинг, шунингдек, ҳукумат аъзолари ҳисоботини эшитиш;
 - Вазирлар Маҳкамаси аъзоллигига номзодларни кўриб чиқиш ва маъқуллаш;
 - Вазирлар Маҳкамасининг мамлакат ижтимоий ҳаётига доир ҳар йилги маърузасини эшитиш;
 - Давлат органлари мансабдор шахсларига парламент сўровини юбориш ва парламент назоратининг бошқа шакллари амалга ошириш.
- Бу каби вақолатлар Қонунчилик палатасига берилиши парламентаризмнинг тақомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Негаки, Қонунчилик палатаси депутатлари тўридан-тўри халқ билан мулоқот қилиш орқали парламент ривожига туртки беради.
- Янгиланаётган Конституцияда Сенат таркиби ихчамлаштирилди. Энди ҳудудлардан 6 та ўрнига 4 тадан сенатор сайланади, Президент томонидан тайинланган сенаторлар 16 тадан 9 тага қамайтирилди. Президентнинг айрим вақолатлари Сенатга ўтказилаётгани ҳам муҳим янгиланишлардан, десак, айни ҳақиқат. Бош прокурор, Ҳисоб палатасининг

раиси, Давлат ҳавфсизлик хизмати раиси лавозимига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилади ва сўнг Президент томонидан тайинланади. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда коррупцияга қарши курашувчи органлар раҳбарлари, Судьялар олий кенгашининг барча аъзолари Сенат томонидан сайланади. Буларнинг барчаси парламентаризм, вакиллик ҳокимиятини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар бўлиб, айни чоғда, у демократиянинг ўзига хос ифодаси ҳамдир. Қолаверса, у 2022—2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт стратегияси мақсадларини рўйба-га чиқаришда қўл келади.

Парламентаризм ривожига хизмат қиладиган муҳим янгиланишлар ўлароқ, кўйидагиларни ҳам кўрсатиш мумкин. Энг аввало, Конституциявий суд, Олий суд ва Бош прокуратура фақат ўз вақолати доирасидаги масалалар юзасидан қонунчилик ташаббусига эга бўлганлигини айтиш зарур. Айни чоғда Конституцияга киритилаётган сайлов ҳуқуқи билан боғлиқ янгиланишлар ҳам диққатга сазовор. Унга кўра, юз минг нафардан кам бўлмаган фуқаролар, Олий Мажлис Сенати, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Марказий сайлов комиссияси қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қонунчилик палатасида қабул қилинган қонунлар Сенатда маъқуллашиб, Президентга имзолаш учун киритилиши жараёни жаҳон тажрибаси асосида қайта кўриб чиқилди. Энди Сенат қонунни олтиш кун ичида кўриб чиқмаса, у имзолаш ва эълон қилиш учун Президентга юборилади.

Биласиз, амалдаги Конституцияда юқори ижро ҳокимияти органи — Вазирлар Маҳкамаси фаолиятига битта модда бағишланган. Бу турли бахли ҳолатларни келтириб чиқаришдан ташқари, айрим муаммоларга ҳам сабаб бўлаётган эди. Табиийки, мавжуд моддада Вазирлар Маҳкамаси фаолияти тўлиқ қамраб олинмаган. Аслида, битта моддада Ҳукуматнинг барча фаолиятини тўла қамраб олиш имконсиз.

Янгиланаётган Конституцияда Вазирлар Маҳкамасига тааллуқли ХХ боб 6 та моддадан таркиб топган. Бу моддаларда Вазирлар Маҳкамасининг вақолатлари кенг ва аниқ белгиланган. Бош вазирнинг вақолатлари алоҳида моддада кўрсатиб ўтилаётди. Бошқа бир моддада эса Вазирлар Маҳкамасини ташкил қилиш, истеъфого қилиш, унга ишонсизлик билдириш масалалари тўлиқ қамраб олинган. Умуман, янгиланаётган Конституциянинг нормаларида Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир жавобгарлиги ҳамда масъулияти тўлиқ кўрсатиб берилган. Вазирлар Маҳкамасининг ҳокимият тизимидаги ўрни конституциявий даражада белгиланиши жаҳон тажрибасига ҳам мос келади.

Янгиланаётган Конституциядаги эътиборли жиҳатлардан яна бири — ҳокимият тизимида ва давлат бошқарувида маҳаллий давлат ҳокимияти ўрни тўғри белгиланаётгани. Аввало, айтиш керакки, ХХI боб “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи” деб номланган. Амалдаги Конституцияда эса “Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари” деб номланган бўлиб, таркибда маҳаллий давлат ҳокимиятидан холи, мустакил бўлган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳам турибди. Бу эса доимий мунозараларга сабаб бўлиб келаётган эди. Эндилик-

да бу бахсга чек қўйилади. Муҳими эса ҳокимларнинг вакиллик ҳокимиятига бошчилиги бекор қилинмоқда. Энди вакиллик органига шу орган депутатлари орасидан сайланадиган раис бошчилик вазифасини бажаради, ҳокимликни эгаллаган шахс бир вақтнинг ўзида Кенгаш раиси лавозимини эгаллай олмайдди. Ҳоким фақат ижроия ҳокимиятга бошчилик қилади. Конституцияда бундай тартибнинг ўрнатилиши икки турдаги ҳокимият мустақиллигини таъминлаб, ҳокимнинг вакиллик ҳокимиятига ҳисобдорлигини кучайтиради, десак, айни ҳақиқатдир. Конституциянинг ўзида халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар вақолатлари асосларининг белгиланиши ҳам улардан бирининг ўрнини иккинчиси босолмаслигини кўрсатишидан ташқари, уларнинг мулқат мустақиллигини ҳам аниқлатади.

Янги Конституцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи фаолияти мукамал тартибга солиниши белгиланмоқда. Унинг 127-моддаси билан қўйидагилар белгилаб қўйилган:

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи давлат ҳокимияти органи тартибда ижро этилади;
- давлат фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи фаолияти амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратати ва фаолиятига қўмақлашади.

Айтиш жоизки, ушбу нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг нафақат ҳокимият тизимида, айни чоғда фуқаролик жамияти институти тизимида мавқеи оқсолиши, муҳими, улар олдига қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли ижро этилишига туртки беради. Янгиланаётган Бош қонунимиз-

7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик куни

АҲОЛИ СОҒЛИФИ БЕБАҲО БОЙЛИК

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси 7 апрель — Бутунжаҳон саломатлик кунига бағишлаб “Экология ва спортнинг инсон саломатлигидаги ўрни” мавзусида тадбир ўтказди.

Таъкидланганидек, бундан 75 йил аввал — 1948 йил 7 апрель куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига асос солинган. Бу инсон саломатлиги билан боғлиқ барча масалаларни халқор даражада хал қилиш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Ҳозир ЖССТга 194 та давлат аъзо бўлиб, Ўзбекистон ҳам 1992 йил 25 майдан мазкур мамлакатлар сафида.

Шу бос кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни омаллаштириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳит мусафоллигини таъминлаш, унинг санитария ва экологик ҳолатини яхшилаш орқали инсон саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йўли”да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик даражасини кўтаришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада тегишли вазифалар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳамда “Соғлом турмуш тарзини кенг тартибда амалга оширишга оид спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари жамиятда жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шугулланиш ҳамда соғлом турмуш тарзи бўйича ҳаётий қўлқўлларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётди.

Тадбирда қайд этилганидек, дунё бўйлаб COVID-19 қоранвируси инфекциясининг тарқалиши барча мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам

Шундан қайта чиқиб, экология ва спортнинг инсон саломатлигидаги ўрни беқиёс эканлиги, ёшларни спортга кенг жалб этиш, атроф-муҳит мусафоллигини, яшайликни асраш юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга зарур тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Барқарор ривожланиш мақсадлари ва Конституция:

ШҲТ МАМЛАКАТЛАРИ ТАЖРИБАСИ

Ушбу муассасалар Конституциявий комиссия фаолиятини яқиндан қўллаб-қувватлаб, ҳамкорликда ишлаб келишмоқда. Шу билан бирга, ўзаро ҳамкорликда БМТ, ЕХТТ, ШҲТ, ЕИ, ИХТ, Туркий давлатлар ташкилоти ва бошқа кўпжа халқор ташкилотлар доирасида қабул қилинган 400 дан ортиқ глобал ва минтақавий конвенциялар, декларациялар, қарорлар ҳамда конституциявий ривожланишнинг халқор тажрибаси ўрганилди. Айни чоғда, дунёнинг 193 дан ортиқ мамлакатлари конституциялари ҳамда конституциявий ислохотлари тизимли таҳлил қилинди.

Халқор ва хорижий тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва ўрганиш асосида ўндан ортиқ фундаментал ишлар амалга оширилди. Улар доирасида бир қатор тегишли китоблар нашр этилди. Конституциявий қонун лойиҳаси, умуман, конституциявий ислохотлар бўйича ҳулосалар, тақлифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конституциявий ислохотлар ва Конституциявий қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, янгилари қандай бағишланган 60 дан ортиқ халқор форумлар, шу жумладан, хориж (АҚШ, Буюк Британия, Жанубий Корея, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Швейцария, Япония, Ҳиндистон)да ўтказилди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ШҲТ маконининг конституциявий ривожланиши маълум бир умумийлик, минтақа мамлакатлари Конституцияларининг динамик ривожланиши билан ажралиб туради. “Катта ШҲТ оиласи”да бу даврда конституциявий тузум асосларини тубдан янгилаш, суверенитетни мустаҳкамлаш, давлатларнинг конституциявий ва миллий ўзига хослигини мустаҳкамлаш бўйича сўнгги 30 йил ичида иккитадан ўнтагача конституциявий ислохотлар амалга оширилган.

Бундан ташқари, ШҲТ мамлакатларининг конституциявий ривожланиши бир қатор умумий тенденцияларни очиб берди. Жумладан, ислохотларни шахсга йўналтириш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, инсон ва табиатнинг уйғунлигини таъминлаш, мол-мулк ва ҳусусий мулкни ҳимоя қилиш, ижтимоий давлат таъминоти ва нормаларини белгилаш, оила, оналик ва оталик институтини қўллаб-қувватлаш, таълим ва фундаментал илмий кашфиёт-

ларни молиялаштириш, шунингдек, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш шулар жумласидандир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар конституцияларидаги ушбу қоидалар ШҲТ мамлакатларининг БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини илгари суриш ва тизимли амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

КОНСТИТУЦИЯ ҲАР БИР ИНСОН МАНФААТИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

— Шаҳарларнинг бош режалари жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий ўтказилиши шартлиги ҳақидаги конституциявий қонунда ҳозирги шартларда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган шахарсозликка оид масалаларни ҳалқимиз билан бамаълал ечиш имконини беради, — деди Спикер ўринбосари. — Шу нуқтани назардан, янгиланган Конституция жамиятимиз ҳаётининг барча йўналишини комплекс тартибга солиш ҳамда мамлакатимизни демократик ривожлантириш йўлида муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилади, десак, муволафа эмас.

Тадбирда, шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциянинг 49-моддасида Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича давлат томонидан чоралар кўрилиши мустаҳкамлаётгани қайд этилди.

Сўз олганлар Конституциямизда ушбу норманинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шартлари яратилиши ва турмуш даражасининг сезиларли яхшиланганини таъминлашини билдирди.

Тадбирда иштирокчилар берган саволларга масъуллар батафсил жавоб қайтаришди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириши



Тадбирда, шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциянинг 49-моддасида Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш, уни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича давлат томонидан чоралар кўрилиши мустаҳкамлаётгани қайд этилди.

Сўз олганлар Конституциямизда ушбу норманинг белгиланиши минтақа аҳолиси учун муносиб яшаш шартлари яратилиши ва турмуш даражасининг сезиларли яхшиланганини таъминлашини билдирди.

Тадбирда иштирокчилар берган саволларга масъуллар батафсил жавоб қайтаришди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириши

Тадбирда иштирокчилар берган саволларга масъуллар батафсил жавоб қайтаришди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириши

Тадбирда иштирокчилар берган саволларга масъуллар батафсил жавоб қайтаришди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириши

Тадбирда иштирокчилар берган саволларга масъуллар батафсил жавоб қайтаришди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириши

Тадбирда иштирокчилар берган саволларга масъуллар батафсил жавоб қайтаришди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириши

Тадбирда иштирокчилар берган саволларга масъуллар батафсил жавоб қайтаришди.

Халқимизнинг ҳаётдан розилик даражасини ошириши

«Халқ сўзи».

